



# Жалқ сўзи

Ўзбекистон —  
келажаги  
буюк  
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2010 йил 18 сентябрь, № 182 (5097)

Шанба

## Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ Баҳолаш фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2010 йил 30 июлда қабул қилинган  
Сенат томонидан 2010 йил 29 августда маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 19 ноябрда қабул қилинган «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги 425-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 йил, № 1, 43-модда; 1993 йил, № 5, 236-модда; 1994 йил, № 11-12, 285-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 153-модда) 9-моддасининг 2-бандидаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайдиган» деган сўзлар «қонун ҳужжатларида белгиланган» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

(Давоми 2-бетда).

## Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ «Аҳолини ва ҳудудларни табiiй ҳамда техноген хусусиятли фавқулдда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2010 йил 22 апрелда қабул қилинган  
Сенат томонидан 2010 йил 28 августда маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 20 августда қабул қилинган «Аҳолини ва ҳудудларни табiiй ҳамда техноген хусусиятли фавқулдда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида»ги 824-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 9, 221-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) 2-модданинг:  
иккинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:  
«Фавқулдда вазият — одамлар қурбон бўлишига, уларнинг соғлиги ёки аτροφ табiiй муҳитга зарар етишига, жиддий моддий талафотлар келтириб чиқаришга ҳамда одамларнинг ҳаёт фаолияти шароити издан чиқишига олиб келиши мумкин бўлган ёки олиб келган авария, ҳалокат, хавфли табiiй ҳодиса, табiiй ёки бошқа офат натижасида муайян ҳудудда юзага келган ҳолат»;  
тўртинчи ва бешинчи хатбошилари қуйидаги тахрирда баён этилсин:

(Давоми 2-бетда).

## Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ «Реклама тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 178-моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2010 йил 22 июнда қабул қилинган  
Сенат томонидан 2010 йил 28 августда маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 25 декабрда қабул қилинган «Реклама тўғрисида»ги 723-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 1, 14-модда; 2002 йил, № 9, 164-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 413-модда; 2006 йил, № 4, 154-модда; № 10, 536-модда; 2008 йил, № 4, 186-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) 6-модданинг иккинчи қисми қуйидаги мазмундаги тўққизинчи — ўн иккинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:  
«ахборот мазмунининг бузилишига олиб келиши мумкин бўлган хорижий сўз ва иборалардан фойдаланиш; махсулот давлат органлари ёхуд уларнинг мансабдор шахслари томонидан маъқулланганлигини кўрсатиш; иштирок этиш учун муайян махсулотни олиш шарти қўйилган рағбатлантирувчи лотерея, танлов, ўйин ёки шунга ўхшаш бошқа тадбир ўтказишни тадбирнинг ташиқлотчисини, уни ўтказиш қоидалари ва муддатларини, бундай тадбир ҳақидаги ахборот манбаини, мукофотлар ёки ютуқлар миқдорини, уларни олиш муддатлари, жойи ва тартибини кўрсатмаган ҳолда реклама қилиш;

(Давоми 2-бетда).



## «ИСТИҚЛОЛИМ — БАХТИМ МЕНИНГ»

— Бу оламда мактаб ҳақида, ўқитувчи, мураббийлар меҳнати хусусида кўплаб гурмаъно фикрлар айтилган, — дейди Камолдин Ғофиров. — Аммо, назаримда, ҳеч ким бизнинг соҳамизни, касбимизни муҳтарам Президентимиз-чалик ўхшатиб таърифлай олмаган: «Агарки, дунё иморатлари ичида энг улғи мактаб бўлса, касблар ичида энг шарафлиси ўқитувчилик ва мураббийликдир.

Чиндан ҳам ўқитувчи наинки, синф хонасига файз ва зиё олиб кирадиган, балки минг-минглаб мурғак қалбларга эзгулик ёдусини башх этакдиган, ўз ўқувчиларига ҳақиқатан ҳам ҳаёт мактабини берадиган мўтабар зотдир», дейдилар Ғофиров. Бу сўзлардан давлатимиз раҳбарининг мактабга юксак эътибори, эҳтироми, ўқитувчи-мураббийлар меҳнатига ҳурмати, эъзози, ишончи шундоққина акс этиб турибди...

Камолдин Ғофиров ўз умрини келажакимиз эгалари бўлган фарзандларимиз таълим-тарбиясига бахшид

— Инсоннинг кадр-қиммати муносиб баҳосини, эъзозини топадиган шундай хур ва овоз замоналарга етганини тиб ишлаш имконини берди, — дейди қаҳрамонимиз. — Истиқлолдан кейинги дастлабки йиллардаёқ Ортбошимиз мактаб таълимини ривожлантиришга, келажак авлод таълим-тарбиясига алоҳида эътибор қаратдилар. Мактаб ҳаётида туб ислохотлар амалга оширилга бошланди. Хусусан, фанларни чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган лицейлар ташкил этилиши ислохотларнинг дубосани эди...  
Ушунда ўз касбий маҳорати, иқтидорли шогирдлар етиштиришдаги яхши ишлари, тажрибалари билан кўзга ташланиб қолган Камолдин муаллимини ҳам ана шундай янги лицейларнинг бирига тақлиф этишди.

(Давоми 4-бетда).

## ПАРЛАМЕНТ МАМЛАКАТИМИЗ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ ИЖРОСИНИ КЎРИБ ЧИҚДИ

15-16 сентябрь кунлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида парламентга берилган ваколатларга мувофиқ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси 16 сентябрь кунини Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2010 йил биринчи ярим йиллигидаги ижросига доир ҳисоботни эшитди. Ушбу масала юзасидан маж-лисда молия вазирининг ўринбосари М. Мирзаев маъруза билан, Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитасининг раиси Б. Иминов қўшимча маъруза билан сўзга чиқди.

Мамлакатимиз асосий молиявий ҳужжатининг ижросини назорат қилиш парламентнинг энг муҳим вазифаларидан биридир, шу сабабли Олий Мажлис қўйи палатасининг депутатлари ушбу масалага ҳар доим алоҳида эътибор қаратадилар. Ҳисобот дастлабки тартибда қўмиталар, сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳи мажлисларида мамлакатимиз Молия вазирлиги вакиллари, бошқа вазириликлар ва идоралар раҳбарлари иштирокида қўриб чиқилди. Қонунчилик палатаси қўмиталарида ҳужжатни муҳокама қилиш жараёнида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов томонидан илгари сурилган 2009 — 2012 йил-

ларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастури амалга оширилишининг боришига, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, соғлиқни сақлаш, таълим, маданият ва жамиятимиз бошқа соҳаларини ўз вақтида молиялаштириш каби долзарб социал-иқтисодий масалаларга тўхталиб ўтилди.

### Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

Мамлакатимизнинг бош молиявий ҳужжати ҳисобот даврида Олий Мажлисининг иккала палатаси томонидан аввал тасдиқланган кўрсаткичларга, Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 29 январдаги мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов илгари сурган 2010 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури устуворликларига мувофиқ ижро этилганлиги алоҳида таъкидланди.  
Молиявий ҳисобот ҳужжатининг Қонунчилик палатаси қўмиталарида ва сиёсий партияларнинг парламентдаги фракцияларида олдиндан ҳар томонлама қўриб чиқилганлиги депутатларга ўз сайловчиларининг манфаатларини ва партияларнинг дастурий мақсадларини мумкин қадар самарали ҳимоя қилиш, муҳокама этилаёт-

ган масала бўйича аниқ, ўзаро мақбул мавқега келиш имкониятини берди. Қонунчилик палатасининг мажлиси жараёнида барча сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракати депутатлар гуруҳининг фикр-мулоҳазалари баён этилди.

Тадбиркорлар ва ишибилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан сайланган депутатлар таъкидлаб ўтдиларки, Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетни жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида профит билан ижро этилди. Фаол инвестиция сиёсатининг давом эттирилиши ўтган йилнинг шу давридаги нисбатан тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларининг кўпайишини таъминлади. Рўйхатга олинган кичик корхоналар сони жорий йилнинг бошларидаги нисбатан ўсган. Бунга Вазирлар Маҳкамаси томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада қўллаб-қувватлаш бўйича қўрилган чора-тадбирлар тўғрисида эришилди. Кичик бизнеснинг жадал ривожланиб боришига солиқ юкиннинг камайганиги, хусусий тадбиркорлик субъектларидаги берилган банк кредитлари ҳажмининг кўпайганлиги ҳам ижобий таъсир кўрсатди.

(Давоми 3-бетда).

## ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING BMT BOSH ASSAMBLEYASINING MINGIYILLIK RIVOJLANISH MAQSADLARI BҮЙИЧА OLII DARAJADAГИ YALPI MAJLISIDAГИ ИШТИРОКИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош қотиби Пан Ги Муннинг таклифига биноан 2010 йил 20-21 сентябрь кунлари Нью-Йорк шаҳрида БМТ Бош Ассамблеясининг Мингиийлик ривожланиш мақсадлари бўйича олий даражадаги ялпи мажлисида иштирок этади.

## Ўзбекистон — БМТ: ҲАМКОРЛИК САРҲАДЛАРИ КЕНГАЙМОҚДА

Ўзбекистон ўз давлат мустақиллигини қўлга киритганига 19 йил тўлди. Утган давр мобайнида мустақил мамлакатимизнинг халқро май-дондаги нуфузи юксалди ва мустақамланди. Ўзбекистоннинг халқро ва минтақавий долзарб муаммоларни ҳал этиш борасида юксак минбарлардан янграган ташаббуслари мамлакатимиз 1992 йилда аъзо бўлиб кирган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан кенг қўллаб-қувватланди.

1992 йилнинг 2 мартида БМТнинг Нью-Йоркдаги бош қароргоҳида Ўзбекистоннинг миллий байроғи қилпиради. Ушбу кундан эътиборан мамлакатимиз глобал ва минтақавий муаммоларнинг муҳокамасида ҳамда муҳим халқро қарорларни қабул қилиш жараёнида бевосита қатнашиш имкониятига эга бўлди.

Ўзбекистон ўша ондан бошлаб БМТ билан ҳамкорлик қилишининг устувор йўналишларини белгилаб олди. Булар, жумладан, бугунги кундаги хавфсизлик ва барқарорликка таҳдидларга қарши курашиш, шунингдек, Афғонистонни қайта тиклаш, оммавий қирғин қуролларини тарқатмаслик, экологик муаммоларни ҳал этиш, хусусан, Орол денгизи фожиясининг оғир оқибатларини юмшатиш, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш каби масалалардир.

БМТ билан мамлакатимиз ҳамкорлигининг асосий йўналиши фаол сиёсий мулоқотни йўлга қўйиш ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида қатнашиши орқали мазкур сиёсий мулоқотга тамал тоши қўйилиб, давлатимиз раҳбари илк бор мустақил Ўзбекистон ва унинг имкониятларини халқро ҳамжамиятга эълон қилди. Шу билан бирга, Президентимиз Марказий Осиёда ядровий қуролдан холи ҳудудни ташкил этиш ташаббусини ҳам илгари сўриб, бу ҳақидаги шартнома 2006 йилнинг сентябрь ойида Семипалатинск шаҳрида имзоланди. БМТ Бош Ассамблеясининг 61-ва 63-сессияларида Ташкилотга аъзо давлатларнинг кўпчилиги овози билан «Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд» Резолюцияси қабул қилин-

ди, 2009 йилнинг март ойидан бошлаб эса, бу ҳақидаги Шартнома қучга кирди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти 1995 йилнинг октябрида БМТ Бош Ассамблеясининг 50-сессиясида Афғонистонга қурол-яроғ эмбаргосини жорий қилиш ҳамда ушбу мамлакатга дўст бўлган давлатлар гуруҳини тузиш ташаббусини илгари сурди. Мазкур ташаббус 1999 йилда «Афғонистондаги зиддиятни бартараф этишнинг асосий принциплари тўғрисида»ги Тошкент декларациясида ўз аксини топди. Бу декларация афғон заминидати тинчлик ўрнатишнинг асосий тамойилларини ўз ичига олган бўлиб, «6+2» дея юритилувчи мулоқот гуруҳи иштирокчиларининг нуктаи назарлари ва ёндашувларини бирлаштирувчи муҳим ҳужжатга айланди.

Афғонистондаги вазият-барқарорлаштириш борасида БМТ билан ҳамкорлик доирасида 2008 йил апрель ойида Бухарестда бўлиб ўтган НАТО/СЕАП саммитида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов афғон муаммосини ҳал этиш мақсадида «6+2» мулоқот гуруҳини «6+3» гуруҳига айлантириш ҳақидаги таклифини илгари сурганди. Бу гуруҳга Афғонистонга қўшни бўлган давлатлар билан бирга, АҚШ ва Россия ҳамда НАТО ташкилотининг кириши назарда тутилган.

2000 йилда мамлакатимиз Президенти дунёнинг 150 дан зиёд давлатлари раҳбарлари қатнашган БМТнинг «Мингиийлик саммити»да иштирок этиди. Икки минг йиллик оралигида ўтказилган сессия қатнашчилари Ўзбекистон Республикасини «БМТ Мингиийлик Ассамблеяси» раисининг ўринбосари этиб тайинлаб, мамлакатимизга катта ишонч билдирдилар.

(Давоми 3-бетда).

## БАНК-МОЛИЯ ТИЗИМИНИНГ БАРҚАРОРЛИГИ ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ АСОСИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йилнинг асосий яқунари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисида иқтисодиётнинг бошқа соҳалари билан бир қаторда мамлакатимиз банк-молия муассасаларидаги аниқ вазифаларни ҳам белгилаб берди.

Хусусан, Юртбошимиз таъкидлаганларидек, давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозини ва унинг мамлакатимиз иқтисодиётига таъсирини эътиборга олган ҳолда, банк-молия тизимининг барқарорлигини таъминлаш муҳим устувор вазифа бўлиб қолмоқда. Бу

ўринда гап банкларнинг капиталлашуви ва инвестициявий фаолигини янада ошириш, иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларнинг устувор йўналишларини қайта тиклаш ва кенгайтириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга қаратилган кре-

дитлаш ҳажминини ошириш ҳақида бормоқда.  
Банк-молия тизими олдида қўйилган вазифаларнинг муҳимлигини инобатга олган ҳолда 17 сентябрь кунини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар

масалалари қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Ўзбекистон банклари ассоциацияси, Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси билан ҳамкорликда Ўзбекистон банклари ассоциациясида «Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида банк-молия тизимининг барқарорлиги: амалиёт ва самарадорлик» мавзуда конференция ўтказилди.

Конференция иштирокчилари жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози салбий оқибатларининг олдини олиш юзасидан ўз вақтида қўрилган чора-тадбирлар, жумладан, корхоналарни модернизация қилиш ва технология қайта жиҳозлаш, ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳамда янги иш ўринларини яратиш, экспорт қилувчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш лойиҳаларига амалга оширилганлиги Ўзбекистон иқтисодиётини жўшқин ва тўхтовсиз ривожлантириш учун асос яратганлигини алоҳида таъкидладилар.

(Давоми 3-бетда).





